

## Нефт маҳсулотларини нефт база худудидан

Етказиб бериш ҳақида

ШАРТНОМА № 11/100

Тошкентвилояти

Қибрай т-н

ҚизилШалола к.

« 14 » 01 2022 йил

Қибрай тумани ҳокимлиги (кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб юритилади.) номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбари М. Муржанов бир тарафдан ва «Чинобод нефт базаси» Масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда «Таъминотчи» деб юритилади) директор Муржанов С.Т. тимсолида, Низом асосида фаолият кўрсатувчи ушбу шартномани куйидагилар ҳақида туздилар:

## 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»га нефт маҳсулотларини «Таъминотчи» нинг ресурс имкониятлари ва «Истеъмолчи»нинг талабномада курсатилган эҳтиёжларига асосан тузилган ва томонлар келишилган, спецификацияга биноан етказиб беришни ўз зиммасига олади.

1.2. «Истеъмолчи» нефт маҳсулотлари учун «Таъминотчи» нинг ҳисоб рақамига олдиндан 100 фоиз тўловни амалга оширади.

1.3. Шартноманинг умумий 18 425 250 Уч саккиз миллион тўрт юз чиллик ва беш миль иккю юз эллик сўм 4 суммаси билан Бюджет маблағлари ҳисобидан 18 425 250 сўм ташкил этади шу жумладан ҚҚС билан Бюджет маблағлари ҳисобидан \_\_\_\_\_ бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан \_\_\_\_\_ (кераклигини тагига чизилсин). Етказиб берилган нефт маҳсулотлари учун тўлов, шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган спецификацияларга асосан амалга оширилади.

Етказиб берилиши кўзда тутилган нефт маҳсулотларининг турлари, уларнинг миқдори, сифати ва нархи, шунингдек етказиб бериш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада (спецификацияда) кўрсатилади.

Шартнома суммаси нефт маҳсулотларини «Таъминотчи» таъмонидан биржа савдолари орқали сотиб олиш нархлари, нефт маҳсулотини ташиш билан боғлиқ темир йул харажатлари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Молия Вазирлиги қарорларига асосан ўзгартирилганда ёки нефт маҳсулотлари таъминоти корхоналарнинг устама нархлари ўзгарганда, ёхуд нархлар бошқа объектив сабабларга кўра ўзгарганда шартноманинг умумий қиймати ўзгаради ва бу ҳақида шартномага ўзгариш киритиш учун қўшимча келишув битими тузилади.

## 2. МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА МУДДАТЛАРИ

2.1. Нефт маҳсулотлари «Истеъмолчи»га «Таъминотчи»нинг махсус автотранспортида белгиланган тартибда етказиб берилади. Нефть маҳсулотларини шунингдек «Истеъмолчи» томонидан барча ёнғин ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилиш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда ўзига тегишли ёки ижарага олинган махсус транспорт воситасида олиб кетилиши мумкин.

2.2. Нефт маҳсулотлари омборига нефтмаҳсулотини ташувчи автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бериши шарт. Акс ҳолда автотранспорт воситалари нефт база омбори худудига киритилмайди ва уларга нефт маҳсулотларининг куйилишига рухсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситаларининг бўшқетиши учун «Таъминотчи» жавобгар бўлмайди.

2.3. Нефт маҳсулотлари куйилган автоцистерналар «Истеъмолчи»нинг талабига биноан «Таъминотчи»нинг ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник хужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади.

2.4. Нефт маҳсулотларини етказиб бериш мазкур шартномад аёки шартнома асосида берилган буютма номада кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда, мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида,

ушбу шартноманинг 3.1. бандида келтирилган хужжатлар тақдим этилган кундан сўнга малгао ширилади. Нефтни кайтаишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темирйўл ташкилотларининг айби билан юзага келган нефт маҳсулотлари таъминотидаги узилиш ҳолатларида "Таъминотчи" томонидан "Истеъмолчи"нибухақида хабардор қилинган ҳолда томонлар етказиб беришининг бошқа муддатни ўзаро келишиб олишлари мумкин

### 3. ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб- китоблар учун асос ҳисобланади. Ҳисоб-китоблар тўлов топшириқномаси орқали амалга оширилади.

«Истеъмолчи» оладиган нефт маҳсулотлари учун олдиндан 100% маблағлар пул ўтказиш йули билан белгиланган тартибда мажбуриятини олади.

3.2. Ҳисоб-китоб рақамига маблағлар келиб тушгач «Таъминотчи» «Истеъмолчи» га маҳсулотларни етказиб беради.

### 4. НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

4.1. "Таъминотчи" томонидан "Истеъмолчи"га етказиб берилган нефт маҳсулотлари бевосита "Истеъмолчи"нинг вакили томонидан қабул қилинади. Етказиб берилган нефт маҳсулотларини қабул қилиб олишда "Истеъмолчи" вакили шартномада ёки шартнома иловасида кўрсатилган миқдорда ва сифатда шартномада белгиланган талабларга, шунингдек амалдаги стандартлар, нормативлар ва йўриқномалар асосида амалга оширади.

4.2. "Истеъмолчи"нинг вакили нефт маҳсулотларни олаётган вақтда маҳсулотнинг сифати ва миқдорини жойида текшириб олади.

4.3. Эгалик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, нефт маҳсулотларига зиён етиш хавфи "Таъминотчи" корхонаси ҳудудидан чиққан вақтдан бошлаб тўлиқ "Истеъмолчи"га ўтади.

### 5. МАҲСУЛОТ СИФАТИ

5.1. «Истеъмолчи» нефт маҳсулотларини олаётган вақтда жойида маҳсулотнинг сифат ва миқдорини текшириб олишга ҳақли. «Истеъмолчи» томонидан ўз транспортида нефт маҳсулотини ташиб кетиши ҳолатида, маҳсулотнинг сифат ва миқдор жихатидан сакланишига жавобгарлик нефт база ҳудудидан ташқарида истеъмолчи зиммасига ўтади.

5.2. Етказиб берилаётган маҳсулот сифати амалдаги Давлат стандарти, ТШ талабларига мос келиши ҳамда жўнатилаётган нефт маҳсулот учун берилаётган сифат гувоҳномасида акс этирилади ва «Истеъмолчи» га тақдим этилади.

5.3. Маҳсуллаштирилган автотранспортда ташишда эса амалдаги тартиб ва йуриқномаларга мувофиқ иш юритилади.

### 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Шартноманинг ҳар бир бажарилмаган бандлари учун томонлар моддий жавобгардир.

6.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи» га сифати Давлат стандарт ва техник шартларга жавоб берадиган нефт маҳсулотларини етказиб беришни кафолатлайди. Хари кки томон нефт маҳсулотларини етказиб бериш ва қабул қилишда амалдаги 1510 ва 2517 Давлат стандарти талаблари асосида иш юритади.

Нефт маҳсулотларини ҳисоб — китоби ва тарқатилиши амалдаги қонун ва меъёрлар асосида амалга оширилади.

6.3. «Истеъмолчи» нефт маҳсулотларини сақлашнинг техникавий шарт- шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

6.4. «Истеъмолчи» томонидан унинг ҳудудига олиб келинган нефт маҳсулотларининг қабул қилишда амалдаги ёнғин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрлари тўлиқ амал қилиниши таъминланади.

6.5. «Истеъмолчи» белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефт маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун «Таъминотчи»га олинмаган маҳсулот

умумий қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди ва таъминотчи олинмаган маҳсулот учун маҳсулотнинг тўлиқ қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

6.6. Ушбу шартнома бирон бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у холда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги қонунга биноан қўлланилади.

6.7. «Истеъмолчи» ўзининг ҳудудига олиб келинган нефт маҳсулотларини қабул қилишда амалдаги ёнғин ва техник ҳавфсизлик талаб ва меъерларига тўлиқ амал қилинишига жавобгардир.

6.8. Томонлар ҳамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган холда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қийматликлар ёки мулкӣ наф олмайди. Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

6.9. Томонлар келишмовчилиги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» Қонунга асосан кўриб чиқилади.

## 7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАР

7.1. Ҳар икки томон ҳам қуйидаги ҳолатларда мажбуриятларни бажарилмаганликда жавобгарликка тортилмайдилар;

- агарда табиий офат, сувтошқини, ёнғин, zilзила ва бошқалар оқибатида юз берса,
- нефтникайта ишлаш заводлари, «Ўзбекистон темир йуллари» ДАЖК айби билан, шунингдек юқори ташкилотлар томонидан етказиб бериш хажми ва муддати ўзгартирилганда, шунингдек АЁҚШлар ва нефт база фаолияти текширувчи органлар томонидан вақтинчалик тўхтатиб қўйилганда, Ўзбекистон Республикаси ҳуқумати, Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа қонунни белгиловчи ташкилотлар қарорига асосан нефтмаҳсулотларини етказиб бериш ва таъминлаш механизми ва тартибига ўзгартириш киритилган ҳолларда.

## 8. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

8.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

8.2. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.

8.3. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни улар, уларнинг ходимлари, аффилиланган шахслари, бенефициари ва шартномани амалга оширишдаги ҳамкорлари, пудратчилари томонидан бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.

8.4. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши белгиланган мажбуриятларни бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тайзиқ ўтказилмаслигини кафолатлайди. Коррупцияга қарши курашиш қоидалари бизилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

8.5. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида

хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб беришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

8.6.Шартноманинг амал қилиш муддати давомида "Истеъмолчи" (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари ва бошқа вакиллари), "Таъминотчи"нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

## 9. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

### 9.1.Қўшимча шартлар

## 10. НИЗОЛАРНИ КУРИБ ЧИКИШ ВА ШАРТНОМАНИНГ АМАЛДА БЎЛИШНИ ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

10.1. Мазкур шартнома киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

10.2. Мазкур шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай тортишув келишмовчиликлар иккала томоннинг ўзаро музокараси йўли билан ҳал этилади. Иккала томон мустақил ҳал эта олмайдиган баъзи масалалар белгиланган тартибда иктисодий судларида ҳал этилади.

10.3.Мазкур шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг ҳуқуқий кучга эга.

10.4. Шартнома томонлар ўртасида имзоланган ва агар "Истеъмолчи" бюджет ташкилоти бўлса, бунга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳудудий газначилигидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

## ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ

### «ТАЪМИНОТЧИ»

«Чинободнефтбазаси» МЧЖ  
111212 Кибрайтумани, «Кизил шалола» киш  
МФО 01115 Шайхонтахур ф-л OFB  
х/р 20210000200190664001  
ИНН 200605317 ОКОНХ 71150

Директор:  Муржанов С.Т.


### «ИСТЕЪМОЛЧИ»

Кибрай тумани Ҳокимлиги
Кибрай ш. Зебунисо кўчаси 1-уй.
Тел.: 289-29-06, факс: 150-08-44
ШХР: 1000218602 424840 11204010001
МХР:
СТИР: 200606860 ОКОНХ: 97600
МВҒЯҒХВ Тошкент ш. МИБСХКМ
Дир: 29 202 000 212 100 001 010
СТИР: 2011220100 40: 00014

Тумани   
Ш. 

## ХУЛОСА

Ушбу шартномани нефт маҳсулотлари етказиб бериш ҳақидаги умумий қоидалар 437-456 моддалари ва Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1998 йилдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги» Қонуннинг 5-бўлим 31,32, 34-моддаларининг талабларига жавоб беради.

Мутахассис-ҳуқуқшунос 

қўриш 

Исқонов Р 

Нефт махсулотларини етказиб бериш тугрисида 2022 йил


" 14 " 01 да тузилган 11/100 сонли шартноманинг

СПЕЦИФИКАЦИЯ

Махсулот номи	Улчов бирлиги	Йиллик миқдор	Шу жумладан чораклар буйича				нархи	Умумий киймати
			I	II	III	IV		
A1-91-K2-L	тн	1,5	1,5				12283500	18425250
								18425250

Изох : Шартнома муддати ичида махсулот нархи ва миқдори узгариши мумкин.

«ТАЪМИНОТЧИ»  
 Чинобод нефт базаси" МЧЖ  
 Шайхантахурский филиал  
 ЧАКБ "ORIENT FINANS"  
 ИНН 200605317 МФО 01115  
 ОКЭД 46710



Директор: Муржанов С.Т

"Истеъмолчи"

Қибрай тумани Ҳокимлиги  
 Қибрай ш. Зебунисо кўчаси 1-уй.  
 Тел.: 289-29-06, факс: 150-08-44  
 ШҲР: 10002260272487011204018001  
 ИНН: \_\_\_\_\_  
 МФО: 200606860 ОКОНХ: 97600  
 МВҒЯҒХВ Тошкент ш. МББХККМ  
 Х/Р: 23 402 000 300 100 001 010  
 СТИР: 201122913 МФО: 00014



Директор: м. Миркасиев

## Информация о юридическом лице (По данным регистрирующих и уполномоченных органов)

### Общие сведения

ИНН:	200605317
Регистрирующий орган:	Хокимият района (города)
Дата регистрации :	03.05.1994
Номер регистрации:	501
Наименование юридического лица:	"CHINOBOD NEFT BAZASI" mas'uliyati cheklangan jamiyati
Код ОПФ:	152 - Общество с ограниченной или дополнительной ответственностью
Код ОКЭД (Вид(ы) осуществляемой деятельности):	46710 - Оптовая торговля твердым, жидким и газообразным топливом и подобными продуктами
Код СООГУ:	01024 - Акционерное общество "Узбекнефтегаз"
Принадлежность к субъектам малого предпринимательства:	Нет
Состояние активности:	Действующие предприятия
Уставный фонд:	20 900 477 300,000 UZS

### Информация об учредителях и их доле в уставном фонде

1. "O'ZBEKNEFTEGAZ" AJ	100,00 %
------------------------	----------

### Контактные данные

Адрес электронной почты:	chinabad@evo.uz
Контактные телефоны:	998993625
Код СОАТО:	1727248855 - Toshkent viloyati, Qibray tumani, Zafarobod QFY
Улица, тупик, дом:	Qizil shalola mahallasi, Sharshara ko'chasi

### Информация о руководителе

Имя руководителя:	SAYDAXMAT MURJANOV TOYCHIYEVICH
ИНН руководителя:	470357799

Данные актуальны на 18/01/2022



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси "Ўздавнефтегазинспекция"

# ЛИЦЕНЗИЯ

АА № 0066

Мазкур лицензия билан "CHINOBOD NEFT VAZASI"  
(лицензия эгасининг тўлиқ номи)  
масъудияти чекланган жамияти

га

Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Май қишлоғи, Қизил шалола м.ф.й. ҳудудда жойлашган нефть омбори ва  
(рухсат этилган фаолият тури)  
жамиятга аъза бўлиш Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Охангарон шоссе, 2-уйда жойлашган "Чинобод-2"  
фирмали орқали автобензин, экстрабензин, дизель ёнитигиси, техника мойлар ва печ ёқилтирғини сотиш билан  
шугулланишга рухсат этилади.

Лицензия эгасининг жойлашган жойи (почта манзили): Тошкент вилояти,

Қибрай тумани, Май қишлоғи, Қизил шалола м.ф.й.


Лицензия эгасининг солиқ тўловчи сифатидаги идентификация рақами: 200.605.317

Лицензия берилган сана: 2018 й. 20 июль

Лицензиянинг амал қилиш муддати чекланмаган

Регистр бўйича тартиб рақами: № 8

Ваколатли шахс: Н. Агзамов  
(исми шарифи, фамилияси)

  
(имзоси)



Лицензиянинг амал қилиш муддати \_\_\_\_\_ й. \_\_\_\_\_ гача  
узайтирилди.

Ваколатли шахс: \_\_\_\_\_  
(исми шарифи, фамилияси) (имзоси)

М.Ў.

Лицензиянинг амал қилиш муддати \_\_\_\_\_ й. \_\_\_\_\_ гача  
узайтирилди.

Ваколатли шахс: \_\_\_\_\_  
(исми шарифи, фамилияси) (имзоси)

М.Ў.